

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ КАССАЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИ СУДЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ А Ж Р И М И

2020 йил август ойининг 25 куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносидан, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья **Т.Турсунов**

судлов ҳайъати судьялари: **Н.Касимова** ва **Х.Шамшиев**лардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси **Ж.Бобоназаров**, **Х.Абдуразаков**нинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори **Х.Парпиев**, судланган ТТТТ ва унинг адвокати ШШШ, жабрланувчи МММ, НННнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2019 йил 23 октябрдаги ҳукмига кўра судланган:

ТТТТ 20.08.1906 йилда Хоразм вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, уч нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, ХХХХ лавозимида ишлаган, Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, “Дўнг” маҳалласи, Асака кўчаси, 1-уйда истиқомат қилган, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 28.06.2009 йилдан қамоқда сақланган, айблов ҳулосаси нусхасини 10.08.2009 йилда олганга

нисбатан чиқарилган ҳукм устидан судланган ТТТТ ва унинг адвокати **Р.Аслиева**, ШШШ томонидан келтирилган кассация шикоятларга асосан жиноят ишини кассация тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

ТТТТга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан ЖК 45-моддаси қўлланилган ҳолда 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2011 йил 26 майдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз колдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 13 февралдаги ажрими билан кассация инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, янгитдан шу инстанцияда кўриб чиқиш учун юборилган.

Суднинг ушбу ҳукми билан ССС ҳам судланган бўлиб, ҳукмнинг унга оид қисми муҳокама қилинмайди.

Суднинг ҳукмига кўра, ТТТТ ва ТТТТ масъул мансабдор шахс бўла туриб, 2017 йил 22 июн куни фуқаро ШШШга 207 йил 22 июн куни кундузги пайти 4 қоп буғдой ўғирлаганликлари ҳолати бўйича 2 нафар шерикларини маъмурий жавобгарликка тортиб, ўша куни кечаси содир қилган ўғирликлари



бўйича вагонда қолган буғдойларни ўлчамасдан, бу ўғирликлари учун ҳеч кимга нисбатан чора кўрмасликларини ваъда қилиб, эвазига ундан ўғирликда иштирок этган шерикларини ҳар биридан 050.000 сўмдан жами 0.500.000 сўм пулларни йиғиб, пора сифатида олиб келиб беришлигини тамагирлик йўли билан талаб қилиб, ундан 2017 йил 20 июн куни соат 16:30 да Чилонзор қабиристони яқинидаги “Суғ” дейиладиган жойда 050.000 сўм пулларни ҳамда 2019 йил 28 июн куни соат 16:56 да Тошкент шаҳар автошоҳбекати рўпарасидаги Диет номли ошхонасида яна 000.000 сўм пулларни жами 0.250.000 сўм пулларни пора сифатида олганлар.

Ҳимоячи Р.Аслиева ва маҳкум ТТТТ кассация шикоятда ўта оғир жазо тайинланганлиги, енгиллаштирувчи ҳолатлар инобатга олинмаганлиги, иш ҳолатлари тўлиқ текширилмаганлиги, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлигини инобатга олиб, жиноий ҳаракатларини ЖК 210-моддаси 2-қисмига қайта малакалаб амнистия актига асосан жазодан озод қилишни сўраган.

Судланган ТТТТ қўшимча кассация шикоятда иш ҳолатлари тўлиқ текширилмаганлиги, дастлабки тергов ва судда ишни кўришда ЖПК нормаларига риоя қилинмаганлиги, барча ҳолатлар ХХХ ходимларининг тазйиқи остида бўлганлиги, иш бўйича судланган ШШШ ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари инобатга олинмаганлиги, ҳеч кимдан пора олмаганлиги, 20 июнь куни ишдан бўшаганлиги, айбсизлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб оқлов ҳукми чиқаришни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Х.Шамшиевнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Х.Парпиевнинг биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгаришсиз ва шикоятни рад қилиш ҳақидаги ҳулосасини, судланган ТТТТ ва унинг адвокати Ш.Сувоновнинг кассация шикоятини қаноатлантириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, шикоятдаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, кассация шикоятларини қаноатлантирмасдан қолдириб, суд ҳукмини қонунга мувофиқлаштиришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2020 йил 13 февралдаги ажримида баён қилинган кўрсатмалар асосида жиноят иши бўйича жабрланувчи ҳамда гувоҳ тариқасида ўтган шахслар сўроқ қилинганда қуйидагилар аниқланди.

Кассация инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи **МММ** дастлабки тергов ва суддаги кўрсатувларини қисман тасдиқлаши, терговда терговчи ёзиб берганлиги, шунга имзо қўйганлиги, терговда қисман у гапириб берганлиги, қисман ўзлари ёзиб беришганлиги, Миробод туман судида судланувчиларга пул бермаганлигини айтганлиги, 2019 йил 22 июнь куни уйда бўлган вақтида эрталаб милиция ходимлари ШШШ ва БББ келишиб, вагондан буғдой ўғирланганлигини айтишганликлари, бу ишни қилмаганман деб айтганлиги, шундан кейин иш бошланиб кетганлиги, қўшниси ШШ келиб, ҚҚҚ боллардан пул йиғиб кел деб айтди деганлиги, ШШШ унга “БББ агар биз пул йиғиб келиб берсак, бизни тинч қўйишини” айтганлиги, 0.500.000 сўм пулларни йиғиб беришимиз керак бўлганлиги, ШШШ унга “сизни ҳам ўғирлик қилган рўйхатга қўшиб қўйган экан” деб



айтганлиги, жиянларини ўғирликда айблашганлиги, кейинчалик уларнинг бу ўғирликда иштирок этмагани маълум бўлганлиги, эртаси 23 июнь куни ШШ билан АААлар уйига келганлиги, пул йиғамиз деб юришганлиги, эртаси куни ҚҚ уйига келиб, жиянларини ўғирликда гумонлаб сўраб келишганликлари, олдига ТТТ келиб, Қ чақираётганлигини айтганлиги, У унга келиб 0.500.000 сўм пулларни йиғиб беришларимизни ва милиция бошлиғи ТТТТга олиб боришини айтганлиги, лекин у пул йиғмаганлиги, пулларни ким йиғганлигини билмаслиги, ўзи ариза билан мурожаат қилмаганлиги, фақат Ш. ариза билан мурожаат қилганлиги, агар пул бермасанг жавобгарликка тортиб юборишларини айтишганлиги, жавобгарликка Ш. ва Улар тортилганлиги, Қни ўша пайт ҳам воқеадан олдин ҳам кўрмаганлиги, дастлабки терговдаги А уйига келиб, “милиция бошлиғи ТТТТ билан гаплашиб келдим, биз 0.500.000 сўм пулларни йиғиб берсак бу ишлар бости бости қилиб, икки кишини маъмурий қилиб, пулларни талон-тарож қилар экан, пулларни мен йиғишим керак экан, пулларни мени уйимдан олиб кетар экан, мен ўзим учун 000.000 сўмлик харажат қилганман, сиз иккита укаларингиз билан бирга 000.000 сўм, ШШШ 000.000 сўм бериши керак” деб айтганлиги тўғрилиги, ундан А пул сўраганлиги, лекин у унга бу пулларни бермаганлиги, Ш.га 000.000 сўм пулларни бермаганлиги, судланувчилар билан пул тўғрисида гаплашмаганлиги, уларни ўртасида нима гап-сўз бўлганлигини билмаслиги, ИИБга ариза ёзиш учун бормаганлиги, уларнинг ушланганлигини кейин эшитганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Кассация инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган жабрланувчи **Ш.** аввалги суд тергови даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаши, ТТТТ пул суммаси ҳақида гапиргани эсида йўқлиги, ўзи ТТТТга пул бермаганлиги, МХХ тадбир қилганда у Ш.Сапаровга пул бериши керак бўлганлиги, ТТТТ билан пул тўғрисида бошида гаплашганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Кассация инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **У.Аликулов** судланувчи ТТТТни таниши, унга нисбатан шахсий адовати йўқлиги, аввалги суд тергови даврида берган кўрсатувларини тасдиқлаши, аввалги судда ўзи бор нарсани ўз хохиши билан гапирганлиги, унга тазйиқ бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув берди.

Кассация инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **Ш.** пулларни хонтахтанинг тагида турганлигини айтганлиги, унга пулларни ушлатиб, пулларни чўнтагига солиб ва ўрнидан турғазиб яна бурчакка қўйиб қайтадан тасвирга олишганлиги, терговда ТТТТга нисбатан кўрсатма беришга мажбур бўлганлиги, ТТТТ билан юзлаштиришда нима деганлиги эсида йўқлиги, тушунтириш хатларини кўп марта ёздирганликлари, пуллар ҳақида айтиб ёздирганликлари, терговда Ш.Нортожиев билан ўрталарида бўлиб ўтган суҳбат ёзилган дискни эшиттиришмаганликлари ҳақида кўрсатув берди.

Кассация инстанцияси суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳ **Б.** ТТТТни таниши, унга нисбатан шахсий адовати йўқлиги, биринчи инстанция судида берган кўрсатувини тасдиқлаши, ҳақида кўрсатув берди.



Биринчи инстанция суди томонидан жиноят ишини судда кўришда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22, 26-моддалари талабларига тўлиқ риоя қилинган.

Суд ҳукмида баён этилган хулосалар ҳақиқий иш ҳолатига мувофиқ бўлиб, ушбу хулосалар суд муҳокамасида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси тартибида баҳоланган далиллар билан асослантирилган.

ТТТТнинг жиноят содир этишдаги айби: иш бўйича судланган Ш., жабрланувчилар Ш., М., гувоҳлар У., Б.в, Ф., Б., М. ва бошқаларнинг дастлабки тергов, биринчи инстанция суди ва кассация инстанцияси судида берган кўрсатувлари, шунингдек, жабрланувчи Ш.нинг аризалари (и.в.5-9), овоз ёзиш мосламасини тақдим этиш ва қайтариб олингани ҳақида баённомалар (и.в.10-13), пулларга кимёвий ишлов берилгани ва аризага топширилгани ҳақида баённома (и.в.14-15), кўздан кечириш ва ашёвий далилни олиш ҳақида баённома (и.в.16-17), Ш.нинг тушунтириш хати (и.в.19), суд кимёвий экспертизасининг 03.07.2009 йилги 68-сонли хулосаси (и.в.97-104), жабрланувчи Ш.ни кўрсатувларини ҳодиса жойида текшириш баённомаси ва фото суратлар (и.в.117-131), гувоҳлар У. ва Б.Қурвоналиевлар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси (и.в.179-182), жабрланувчи Ш. ва гувоҳ Б.лар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси (и.в.183-185), хизмат текшируви хулосаси (и.в.199-213), гувоҳ Ш.лар ўртасида ўтказилган юзлаштириш баённомаси (и.в.245-255), магнит тасмасини кўздан кечириш ва эшитиб кўриш баённомаси (и.в.337-340) ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб ҳисоблайди.

Биринчи инстанция суди томонидан маҳкум ТТТТнинг жиноий ҳаракатлари, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 3-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Биринчи инстанция суди томонидан ТТТТга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли Қароридаги раҳбарий кўрсатмаларига амал қилиб, унинг шахсини, муқаддам судланмаганлигини, оилавий шароитини, яшаш жойидан ижобий тавсифланишини, шу билан бирга мансабдор шахс бўла туриб ўз хизмат мавқеидан фойдаланиб жиноят содир этганлигини ҳамда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини инобатга олган ҳолда унга нисбатан айблов моддаси санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш ва ўз хизмат ваколатидан фойдаланган ҳолда жиноят содир этганлигини эътиборга олиб, уларга нисбатан қўшимча жазо тариқасида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, мансабдор шахс лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан муайян муддатга маҳрум этиб тўғри хулосага келган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 13-моддаси 2-қисми талабига кўра, қилмишнинг жиноийлигини бекор қиладиган, жазони енгиллаштирадиган ёки шахснинг аҳволини бошқача тарзда яхшилайдиган қонун орқага қайтиш кучига эга, яъни ушбу қонун кучга киргунга қадар



тегишли жиноий қилмиш содир этган шахсларга, шу жумладан жазони ўтаётган ёки ўтаб бўлган шахсларга нисбатан, агар улар ҳали судланган ҳисоблансалар, тадбиқ этилади деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартаф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ 391-сонли Қонуни билан Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимига киритилган қўшимча ва ўзгартиришларга кўра:

мансабдор шахс-доимий, вақтинча ёки махсус ваколат бўйича тайинладиган ёки сайладиган, хокимият вакили вазифаларини бажарадиган ёхуд давлат органларида, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналарда, муасасаларда, ташкилотларда ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини амалган оширадиган ва юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни содир этишга ваколат берилган шахс, худди шунингдек халқаро ташкилотларда ёхуд чет давлатнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи, маъмурий ёки суд органида мазкур вазифаларни амалга оширувчи шахс эканлиги белгиланган.

Ушбу Қонун билан ЖКнинг 210-моддаси диспозицияси янги таҳрирда баён этилиб, ушбу модда 3-қисми “б” банди билан масъул мансабдор шахснинг пора олганлиги учун жавобгарликни назарда тутувчи квалификация белгиси чиқарилган.

Иш ҳужжатларига кўра, ТТТТ Ўзбекистон Республикаси Транспортдаги ИИБ Ховос темир йўл бекатидаги тармоқ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили лавозимида ишлаб келиб, давлат органининг масъул мансабдор шахси бўла туриб, пора олганликда ЖКнинг 210-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбли деб топилган.

Қонунга киритилган ўзгартиришлар муносабати билан ТТТТга нисбатан чиқарилган суд қарорларини қайд этилган қонун талабларига мувофиқлаштириш лозим.

Шу сабабли, судлов ҳайъати ТТТТнинг мансабдор шахс бўлгани ҳолда бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олишда ифодаланган ҳаракатларини ЖКнинг эски таҳрирдаги 210-моддаси 3-қисми “б” бандидан шу Кодекснинг эски таҳрирдаги 210-моддаси 2-қисми “г” бандига қайта квалификация қилиб, мансаби ва иш фаолияти билан бевосита боғлиқ ҳолда жиноят содир этгани учун унга ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилган ҳолда қонун доирасида жазо тайинлашни ҳамда жазони ўтаганлигини инобатга олиб жазодан озод қилишни лозим топади.

Судлов ҳайъати судланган ТТТТ ва унинг ҳимоячилари томонидан шикоятда келтирилган иш ҳолатлари тўлиқ текширилмаганлиги, дастлабки тергов ва судда ишни кўришда ЖПК нормаларига риоя қилинмаганлиги, барча ҳолатлар ХХХ ходимларининг тазйиқи остида бўлганлиги, иш бўйича судланган Ш. ва жабрланувчиларнинг кўрсатувлари инобатга



олинмаганлиги, ҳеч кимдан пора олмаганлиги, 20 июнь куни ишдан бўшаганлиги, айбсизлиги сабабли суд ҳукмини бекор қилиб оқлов ҳукми чиқариш ҳақидаги важларини атрофлича муҳокама қилиб, бу келтирган важларини муқаррар жиноий жавобгарликдан қутулиш мақсадида келтирилган важлар деб танқидий баҳолашни лозим топади.

Чунки, унинг бу келтирган важлари юқорида келтириб ўтилган далиллар, шунингдек, дастлабки терговда берган кўрсатувларидан ташқари, иш ҳолатларига мос, ҳақиқатга тўғри келадиган ва ишончга сазовор бўлган биринчи инстанция судида ТТТТнинг 2009 йил 21 июндан 28 июнгача бўлган ҳолатни батафсил ёритиб, ҳақиқатдан ўғирлик содир қилган йигитларни ушлаш чораси бўйича ишлаганлиги, милиция ходимлари Ш.Сапаров ва Б.Қурваналиевга уларни ушлаш бўйича топшириқ берганлиги, уларни маъмурий жавобгарликка тортиш чоралари кўрилганлиги, Ш.Сапаров улардан пул олиб келганлиги, 50 мингини унга бериб қолганини ёқиб юборганлиги ҳақидаги;

иш бўйича судланган Ш.Сапаровнинг ҳам шу каби 2009 йил 21 июндан 28 июнгача бўлган ҳолатни батафсил ёритиб берган кўрсатуви;

жабрланувчи Ш.нинг дастлабки тергов, биринчи инстанция ва кассация инстанция судида берган кўрсатуви;

жабрланувчи М.нинг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида берган кўрсатуви;

гувоҳ У.нинг дастлабки тергов, биринчи инстанция ва кассация инстанция судида берган кўрсатуви;

гувоҳ Б.нинг дастлабки тергов, биринчи инстанция судида берган кўрсатуви;

гувоҳ Б.нинг биринчи инстанция судида 2009 йил 23 июн куни тахминан соат 09:30 ларда Ж темир йўл бекати тармоқ ходимлари Ш. Б.ев ва темир йўл бекати яқинида яшовчи, Ш.р билан унинг хизмат хонасига, яъни темир йўл бекатининг юк қабул қилиш ва топшириш хонасига бориб, ундан 2-3 соатга хонасини бериб туришини сўраб, тушунтириш хатлари олмоқчи эканликларини айтганини, у хонасини бўшатиб бериб, хазиначилар хонасига бориб, ишларини давом эттирганини, шу тариқа ТТТТ, Ш.Сапаров ва Б. 2009 йил 23, 24 ва 25 июн кунлари уни хизмат хонасида ишлаганини, улар шу кунларда уни хизмат хонасига қўшнилари Н ва бекат механиги Уни олиб бориб, улар билан нималарнидир гаплашганини, нима ҳақда гаплашганликларидан хабари йўқлиги ҳақидаги;

Шунингдек, ТТТТни 2009 йил 20 июндан ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ 2009 йил 26 июнь куни чиққан, бу буйруқ билан у таништирилмаган, бу вақт оралиғида ва жиноят содир қилинган кунлари у ишда бўлган, бу жабрланувчилар ва гувоҳларнинг иш ҳолатларига мос ва ишончга сазовор кўрсатувлари билан тўлиқ тасдиқланади деган хулосага келинди.

Шуларни инобатга олиб судлов ҳайъати ТТТТнинг иш ҳолатлари тўлиқ текширилмагани, 2009 йил 20 июнда ишдан бўшагани, ҳеч кимдан пора олмагани, айбсизлиги, маъсул мансабдор шахс эмаслиги ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди ва асоссиз деб ҳисоблайди.



Кассация инстанцияси судлов ҳайъати жабрланувчи МММнинг кассация инстанцияси судида олдинги кўрсатувларини ўзгартириб берган кўрсатувларини ТТТТга ёрдам бериш мақсадида берган кўрсатувлари деб танқидий баҳолашни лозим топади.

Чунки, жабрланувчи М.Жураев дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида ўғирлик юзасидан милиция ходимлари чақиришганликлари, ишни босди-босди қилиш учун пул сўраганликлари, уларнинг орасида ТТТТ ҳам бўлганлиги, ўзи ҳам милиция ходимларига бериш учун Ш.Нортожиевга пул берганлиги ва бошқалар ҳақида кўрсатув берган.

Бундан ташқари гувоҳ иш бўйича судланган Ш. дастлабки тергов даврида гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи тариқасида сўроқ қилинганда иш ҳолатлари бўйича батафсил, яъни ТТТТнинг айбини тасдиқловчи кўрсатув берган, шунингдек, дастлабки терговда ТТТТ билан юзлаштирилганида пулларни ТТТТ айтгани учун олганини баён қилган (и.в.256-262).

Шуларни инобатга олиб кассация инстанцияси судлов ҳайъати, ТТТТга нисбатан чиқарилган суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, қонунга мувофиқлаштиришни, келтирилган шикоятни қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 506, 506¹, 509-моддаларига амал қилиб, кассация инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман судининг 2009 йил 23 октябрдаги ҳукмининг **ҚҚҚҚга оид қисми** ўзгаришсиз қолдирилиб, қонунга мувофиқлаштирилсин.

ҚҚҚнинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг эски таҳрирдаги 210-моддаси 3-қисми “б” бандидан шу модда 2-қисми “г” бандига қайта квалификация қилинсин.

ТТТТга ЖКнинг 210-моддаси 2-қисми “г” банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 3 йилга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тизимида ҳамда мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 10 (ўн) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

ТТТТ томонидан тайинланган жазо ўталганлиги инобатга олинсин.

Кассация шикоятлари қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи

/имзо/

Т.Турсунов

Ҳайъат судьялари:

/имзо/

Н.Касимова

/имзо/

Х.Шамшиев

Аслига тўғри:





